
Қирқволиданинг Обод кўчасида электр таъминоти яхшиланди

Бағдод туманининг “Қирқволида” маҳалла фуқаролар йиғини таркибидаги Обод кўчасида яшовчи аҳоли вакиллари ҳудудда электр таъминотини яхшилашда амалий ёрдам сўраб, туман ҳокимига мурожаат қилишган эди.

Мазкур мурожаат ижросини таъминлаш ва фуқароларни қийнаб келаётган муаммони бартараф этиш мақсадида, туман ҳокимининг кўрсатмасига асосан, электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан Обод кўчасига 11 дона темир-бетон таянчлар ўрнатилди. Шунингдек, шу манзилда жойлашган 570-сонли 250 кВА ли трансформатор пунктдан чиқувчи 0.4 кВ ли ҳаво электр узатиш тармоғи таъмирдан чиқарилиб, соғ ҳолатга келтирилди.

Натижада, ҳудуддаги 50 дан зиёд хонадонларни сифатли электр энергияси билан таъминлаш имконияти яратилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-05-02 15:59:46